

Жума кунда «Ҳаа мийм» ва «Инсон» сураларини қироат қилиш



23:06 / 07.12.2023 2331

Жума кунни бомдод намозида «Ҳаа мийм сажда» ва «Ҳал атаа алалинсани» сураларини қироат қилиш суннатдир.

Чунки Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай қилганлар. Бу ҳақда имом Муслим Ибн Аббос ва Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳумодан ҳадис келтирган.

Жума намозининг фарзидан аввал ва кейин тўрт рақъатдан суннат намози ўқиш.

أَدْعَبُ وَ، أَعْبُرُ أَعْمُجْلُ لَبَقِ يَّصِي نَاكُ نَأُ، نَعُ هَلَلِ يَضَرُّ هَلَلِ دَبَعُ نَعِ يُّوَرُو
يُذَمُّرُّ لَأَوْرُ. أَعْبُرُ

«Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, у киши жумадан олдин тўрт ракъат, жумадан кейин тўрт ракъат намоз ўқир эди».

Термизий ривоят қилган.

Жумада мудраган одам бошқа ерга ўтиб олиши.

سَعْنِ إِذِ: لَأَقَمَّ لَسَوَّهِ لَعَلَّ لَأَصْرِي بِنَلَانَع، أَمْ هُنَّ لَلِأِيضَرَّ رَمْعَنْ بِنَانَع
دَمَحْ أَوْ دُوَادُ بَأْ هَآوَر. «هَزِيغَ لَلِأَلَدِ ذَسَلَجَمْ نَمْلَ وَحَتَيَّ لَفِ دِجَسَمَلِ أِي فَوَّهْ وَمُكْدَحْ أ
«هَسَلَجَمْ نَمْلَ لَوَّحَتَيَّ لَفِ عَمُجَلِ مَوِيْ مُكْدَحْ أَسَعْنِ إِذِ:» هُظْفَلَو. يذمّرت ل ل او

Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Сизлардан биров масжидда туриб мудраса, ўша ўтирган жойидан бошқа жойга ўтиб олсин», дедилар».

Абу Довуд, Аҳмад ва Термизий ривоят қилишган.

Термизийнинг лафзида:

«Қачон сиздан бирортангиз жума куни мудраса, ўтирган жойидан ўтиб олсин», дейилган.

«Кифоя» китобининг биринчи жузи асосида тайёрланди

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 5 октябрдаги 03-07/7013-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.